



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 13 август,
№67 (1034)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Ободлик, озодалик кадриятимиз кўзгусидир

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан 2014 йилнинг август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда 16-17 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари, деб эълон қилинди



Толбжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида энг улув, энг азиз айём — Мустақилликнинг 23 йиллик байрамини «Ягонасан, муқаддас Ватаним, сеvgи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида муносиб нишонлашга қизгин тайёргарлик кўриладиган айни кунларда Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан жорий йилнинг август ойи ободонлаштириш ва тозалик ойлиги

ҳамда 16-17 август кунларининг умумхалқ хайрия ҳашари, деб эълон қилиниши замирида улкан рамзий маъно мужассам, албатта. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган умумхалқ хайрия ҳашари, аввало, миллий урф-одат ва кадриятларимизнинг ажралмас қисми — меҳр-оқибат, хайру саховат, ўзгалар парваршига муҳтож кишилар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олишдек эзгу мақсадни ифода этади.

> [2]

КЎРГАЗМА



Мактаб анжомлари қулай, сифатли ва ўзимизники

Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг улув, энг азиз айём — Ватанимиз истиклолнинг 23 йиллик шодиданларига тобора яқинлаштирмоқда. Халқимиз қутлуг байрамни муносиб кутиб олиш, кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўриш билан бирга, янги ўқув йилига ҳам қизгин ҳозирланмоқда.

Фарҳод ЭСОНОВ

Ҳар йили янги ўқув йили бошланиши арафасида мамла-

катимизда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг асосий турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечак ва пойаб-

залга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида мактаб бозори ва ярмаркалари ташкил этилади. Айниқса, мактаб бозорларидаги ўқув қуролларининг сифати, дизайни ўқувчиларнинг диди ва дунёқарошига мос, танлаш имконияти кенг, ўзимизда ишлаб чиқарилгани боис нархлар ҳам арзон.

2009 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Республика истеъмол бозорини мактаб анжомларининг айрим турлари билан тўлдирish бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори матбаа корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун қулай шарт-шароитлар яратди.

> [4]

Маҳалла — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти Хитойда тақдим этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви Академияси, «Маҳалла» фонди ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари билан иборат Ўзбекистон делегацияси фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги Ўзбекистон тажрибасини тарғиб этишга бағишланган тадбирларни ўтказиш учун Хитой Халқ Республикасида бўлди.

Ташриф доирасида Пекин ва Шанхай шаҳарларида давра суҳбатлари, шунингдек, Хитой Ижтимоий фанлар академиясида, Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти ва Шанхай Ижтимоий фанлар академияси, Хитой коммунистик партияси Марказий қўмитаси халқаро бўлими, ХХР Ташқи ишлар вазирлиги, Хитой бошқарув академияси, Хитой халқ сийосий маслаҳат кенгаши ва

Шанхай университетиди учрашувлар бўлиб ўтди. Тадбирлар чоғида Хитой томони Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган иқтисодий асосидаги қучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар билан батафсил танишди-

> [2]

МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗГИН

Аҳилликда қилинган меҳнат баракали бўлади

Ҳар тонг маҳалламиз пайкалу далаларини яёв кезишга одатланганман. Бу одатни қишлоқ одамларининг аксариятида кузатиш мумкин. Негаки, тонгги манзаранинг кўрку таровати, сеҳру жозибаси ўзгача.

Меҳринисо САФАРОВА,
Бухоро вилояти Жондор тумани Мирзаён қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси.

Тонгда бу ерда ҳамма нарсанинг ширин ифориини туясиз: тандирдан янги узилган нон иси, полдадаги қовун-тарвузлар хиди димоғингизни қитқилайди. Хўроларнинг қичқирғин-ю қўй-сиғирларнинг маъраши, узун-узун пайкаллардаги ҳосилу қатор оралаб сув таратаётган дехқон меҳнати... Барча-барчасидан бир олам завқ оласиз. Янаям аниқроғи, кеча кун давомида тер тўкиб қилинган ишлар самараси тонгда ўзгача туйилади. Ва шу лаҳзада бугунги ишларнинг режасини тузиб олишга ҳам улгурасиз. Шу боис ота-бо-

боларимиз тонгда туриб қилинган меҳнатнинг баракаси зиёда, деб айтишган.

Бугун ҳам шу ўй-хаёллар билан пайкал оралаб, баравж ўсаётган гўзалар, эндигина очила бошлаган пахталарни кўриб, завқим ортди. Хадемай ҳосил термини киришамиз. Баҳору ёз жазирмасида қилинган меҳнатнинг баракаси шу пайкалларда ётибди. Ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб олиш дехқондан катта матонатни талаб қилади. Аммо бу бир киши билан эмас, кўпчилик билан ҳал этиладиган масала эканлиги қундай равшан. Бундай дамларда маҳалламиз аҳлини йиғиб, танти дехқонга энг яқин ва зарур қўмақдош бўлишимиз лозимлигини тушунтираман.

> [2]



НАМУНАЛИ БЎЛИНМА

Ютуқлар тасодиф эмас, муваффақиятлар шунчаки қозонилмайди

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг «Энг намунали бўлинмаси» танловида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Каттақўрғон шаҳар бўлинмаси Самарқанд вилоятидаги 2 та шаҳар, 14 та туман бўлинмаси ўртасида голибликни қўлга киритди.



Толбжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳеч бир ютуқ тасодифан қўлга киритилмайди. Ҳалаба замирида тинимсиз меҳнат, изланиш, энг муҳими, соҳага меҳр ва келажакка ишонч мужассамдир.

Бўлинма мутасаддилари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига услубий жиҳатдан раҳбарлик қилишни, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларини тўлиқ амалга оширишда йўл-йўриқ кўрсатишни зиммаларидаги залворли вазифа, деб билишади.

Айни пайтда шаҳардаги мавжуд фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган 150 нафарга яқин маҳалла фаоли учун қулай меҳнат шaroити яратилган. Маҳаллалар ўзининг хизмат биноларига эга. Бутун нафақат фуқаролар йиғинларида хизмат қилаётган мутасаддилар, балки йиғин аҳолиси ҳам бундай шарт-шароитдан мамнун.

> [3]

БАЙНАЛМИЛИАЛ МАҲАЛЛА

Дўмбира созию лапарлар алёрларга ҳамоҳанг

— Аяжон, абийим яхшими, тузалиб қолдим? Сингилларимга таъинланган, улардан тез-тез хабар олиб туришим...

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

Мунаввархон гўшакни қўяркан Тошкент иқтисодий университетига ҳужжат топширган қизи Шахло телефондаги қисқа суҳбат чоғида ҳам қўшни Зулфира момони эсдан чиқармаганидан мамнун бўлиб, қулиб қўйди. «Шундай бўлгани яхши, меҳрибонлиги, қунончақлиги раҳматли онамга тортган», деган ўй қўнғилдан ўтаркан, Шахлонинг ҳар кун эрталаб бир коса сутни олиб, Зулфира момоникига югуришини кўз олдига келтириб, қизини соғинганини ҳис қилди.

Зулфира момо Шахлоларнинг ён қўшнис. Татар миллатига мансуб бу аёл чаққонлиги, пазандалиғи саранжомлиги билан маҳалладошларининг хурматини қозонган. Фарзанд кўрмаган момо турмуш ўртоғи Арсен бобо вафот этгач, ёлғизлиб қолди. Бироқ қўшнилари, маҳалла-қўй уни ёддан чиқармади.

> [3]

ХУШХАБАР



Веб-саҳифамиз энди инглиз тилида

Мамлакатимизда қучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида тобора муҳим аҳамият ва мавқе касб этиб бораётган маҳалла институтига жаҳон жамоатчилиги катта қизиқиш билдираётир.

Хусусан, айни шу мавзуларда республикамизда ва бир қатор давлатларда (АҚШ, Жапония, Хитой) илмий-амалий давра суҳбатлари, конференция ва симпозиумлар ўтказилаётгани бунинг ёркин далилидир. Қолаверса, хорижнинг бир қатор нуфузли нашрларида маҳалла институтининг жамиятимизда тутган ўрни хусу-

сида йирик олим ва экспертларнинг чиқишлари ташкил этилмоқда. Бу, ўз навбатида, дунёнинг қўлаб ривожланган давлатларида ноёб бошқарув тиъимиз ва симпозиумлар ўтказилаётгани бунинг ёркин далилидир. Қолаверса, хорижнинг бир қатор нуфузли нашрларида маҳалла институтининг жамиятимизда тутган ўрни хусу-

нинг интернет тармоғидаги www.mahallagzt.uz веб-саҳифаси янада такомиллаштирилди. Ундаги рунклар сони ва камрови кенгайди. Эндиликда веб-саҳифамиз материаллари билан нафақат ўзбек ва рус тилларида, балки инглиз тилида ҳам танишишингиз мумкин.

Газетамизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий, услубий ва амалий жараёнлари оид чоп этилган барча материаллар малакали мутахассислар томонидан хо-

рижий тилга ўгирилиб, интернетга жойланади. Улар билан танишингиз учун Сиз веб-сайтнинг «Тиллар» қаторидан ўрин олган «Инглиз тили» бўлимини очсангиз қифоя.

Тахририят бундан кейин ҳам веб-саҳифани ҳар учала тилда замонавий кўринишда такомиллаштириб боради. Бизнинг муддао — маҳалла институти билан яқиндан танишиш истагида бўлган хорижлик ҳар бир фуқаро учун қулай имконияти яратилиши.

ТАХРИРИЯТ



КЎРГАЗМА

Мактаб анжомлари қулай, сифатли ва ўзимизники



< [1]

Хусусан, қарорда 2010-2014 йилларда матбаа фаолияти билан шугулланаётган юридик шахслар мактаб дафтари, кундаликлар ҳамда расм альбомларини тайёрлашда фойдаланиладиган технология усуллари, эҳтиёт қисмлар ва қоғоз хомашёсини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича импорт қилишда божхона тўловларидан озод этилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу қарор туфайли юртимизга ташқаридан миллий маънавиятимизга зид турли ёзув дафтари кириб келишининг олди олинди, таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизга мос сифатли ёзув дафтари билан таъминланди.

Яқинда Республика болалар кутубхонасида мактаб ўқув қуроллари, дарсликлар, адабиётлар, болалар кийим-кечаклари ҳамда пойабзаллар кўргазмаси ўтказилди.

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябргача республикада жами 1885 та ана шундай мактаб ярмаркаси ташкил этилиши режалаштирилган.

Ярмаркаларнинг 979 таси умумий ўрта таълим мактабларида, 232 таси академик лицей ва касб-хунар коллежларида, 398 таси аҳоли гавжум бозорларида, 276 таси эса йирик савдо мажмуаларида ташкил этилади. Олис ва бориш қилин бўлган тоғли ҳамда чўл ҳудудларга 130 та кўчма автодўкон хизмат кўрсатади. Уларнинг барчасида 26 турдаги ўқув қуроллари ва жиҳозлари сотилади.

Мазкур маҳсулотларнинг аксарияти юртимизда ишлаб

чиқарилган. Ярмаркаларда савдо ишларини амалдаги солиқ ва банк қонунчилигига тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказиш ҳамда аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида савдо ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларида 1885 та барча турдаги тўлов терминаллари ўрнатилиши белгилаб қўйилган.

Пойтахтимизнинг Яққасарой тумани «Ракат» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Аския» бозорида ҳам мактаб бозори ва ярмаркаси ташкил этилган.

Ярмаркада харидорлар учун барча қулайлик мавжуд, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илхом Ғаниев. — Маҳсулотлар сифатли, ҳаммаси ўзимизнинг ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган. Пештахтадаги рангли қаламлар, пластилин, расм дафтари, рангли қоғоз, ён дафтари, ўчирғич, мойбўёқ каби мактаб анжомларининг тури ва хили кўп. Кийим-кечаклар ва пойабзаллар, айниқса, сумкалар жозибдорлигидан ташқари, ўқувчиларнинг диди ва ёнига мос. Савдо шохобчалари терминал, назорат-касса аппарати ва бошқа зарур воситалар билан таъминланган. Уларнинг узлуксиз ишлаши маҳалла жамоатчилиги кенгаши назоратида.

Дарвоқе, бу йил беш юз саксон минг нафардан зиёд ўғил-қиз биринчи синфга ўқишга боради. Аънаанага кўра, уларга дарслик ва ўқув анжомларидан иборат Президент совғалари топширилади. Республика болалар кутубхонасида ташкил этилган кўргазмада ушбу совғалар ҳам намойиш этилди. Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари киши кийим-кечаклар тўплами ва пойабзал билан таъминланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Ноодатий томоша ҳам баъзан қувонч бахш этади

Бугун Хадра майдони пойтахтимизнинг энг гавжум, файзли масканларидан бирига айланган. Айниқса, Тошкент давлат циркига томошага келувчилар сони тобора ортиб бормоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида цирк жамоаси зарур чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Унга кўра, жорий йилнинг ёз мавсумида цирк томошалари изчил давом эттириляптир.

■ Моҳичехра ЛАТИПОВА «Mahalla»

— Цирк томошалари фарзандларимизнинг дунёқарашини бойитиш, уларнинг зукко ва соғлом бўлиб вояга етишида таъсирчан воситалардан, — дейди Тошкент давлат цирки муҳаррири Бахтиёр Холмирзаев. — Хозир 60 нафардан зиёд цирк санъати усталари, шунингдек, 14 та «ўргатилган артист»ларимиз аҳолининг мазмунли хордиқ чиқаришига муносиб хисса қўшиб келмоқдалар. Бу ерда Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ, Мудоффа вазирлиги ҳамкорлигида мурувват акциялари ташкил этилмоқда. Хусусан, Тошкент вилояти ва шаҳри маҳаллаларида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 3 мингдан зиёд фарзанди, 10 та Меҳрибонлик уйдан 7 мингдан зиёд бола циркка таклиф этилди.

Дарҳақиқат, Тошкент давлат цирки томошаларидан кўнчилиқ баҳраманд бўляптир. Хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан республи-

камизнинг чекка ҳудудларида истикомат қилувчи 14 мингдан зиёд аҳоли пойтахтимизга келиб, цирк усталари маҳоратига гувоҳ бўлишди.

— Циркка турмуш ўртоғим, кўеғим, кизим ва 4 нафар неварам билан келдик, — дейди Шаҳрисабз шаҳридаги Саъдий номи маҳаллада яшовчи Гулчехра Маннонова. — Акробатчиларнинг чиқишлари, от устидаги мохирона ўйинлар, итлар рақси набиралимда катта таъассурот қолдирди. Ўзим «Нуроний» жамғармаси қошидаги



«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»

Абжир, эпчил ва маҳоратлилар ғолиб бўлди

Анғанавий «Футболимиз келажаги» кубогининг минтақавий республика босқичи мусобақаси «Г» гуруҳи ўйинларида Гулистон шаҳри мезбонлик қилди.

■ Ф. КОМРОН.

Футбол байрами Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 37-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Дастур асосида ташкил этилди. Мазкур ҳужжат юзасидан Сирдарё вилояти ҳокимлигининг жорий йил 27 июлдаги чора-тадбирлар режаси асосида ўйинларга кизин ҳозирлик қўрилади.

Гулистон шаҳридаги учта замонавий стадион, жумладан, вилоят марказий ўйингоҳи спорт инвентарлари билан тўлиқ таъминланган. Иштирокчиларга ажратилган ётоқхона ва ўйингоҳларда ички ишлар идоралари ҳамда малакали тиббиёт ходимларининг навбатчилиги ташкил этилди.

Пойтахт ҳамда Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятларидан келган 9-10, 11-12 ёшдаги болалар

ва 13-14 ёшдаги ўсмирлар «Маҳалла муруввати» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқилиб, махсус рамзлар туширилган спорт кийимларида ўзаро куч синашди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан уюштирилган футбол мусобақалари кўтаринки кайфиятда ўтди. Голларга бой бўлган учрашувларда юқорида номлари қайд этилган ҳудудлардан ташриф буюрган ғолиб маҳалла жамоаларининг нималарга қодирлиги яна бир бор синодан ўтди.

9-10 ёшдаги болалар ўртасида кизин ва муросасиз кечган ўйинларда 1-ўрин Гулистон шаҳри «Янги ҳаёт» маҳалласи футболчиларига насиб этди. Сергели туманидаги «Хонобод», Оқкўрғон туманининг «Султонобод», Жиззах шаҳар Алишер Навоий номидаги маҳаллаларнинг ёш футболчилари кейинги ўйинларни кўлга қиритишди.

11-12 ёшдаги болалар ўртасидаги учрашувларда Жиззах тумани «Зиёкор» маҳалласи футбол жамоасининг кўли банд келди. Қолган ўйинларни Ховос туманидаги «Карвонсарой-2»,

«Фаол аёллар» уюшмаси раисиман. Шу боис хотин-қизлар, ёшлар ўртасидаги давра суҳбатлари, «Уч авлод» учрашувларида маданий тадбирлар, театр ва цирк санъатининг ёшлар камолотидаги ўрни ҳақида тушунчалар бериб борамиз. Айниқса, қадимий шаҳарлар, шунингдек, қундан-қунга чиroy очиб бораётган пойтахтимизга сафар уюштиришни қанда қилмаймиз.

Ҳа, жорий йилги томошалар ранг-баранглиги билан ажралолиб турди. Хусусан, хоржий давлатлар цирк усталарининг юртимизда қизиқарли томошалар кўрсатгани билан бирга, мамлакатимиз цирк усталари ҳам Россия, Қозоғистон, Хитой ва Таиланд давлатларига сафар уюштиришди. Қозоғистонда ўтказилган фестивалда акробатчи Голлоциновлар оиласи 2-ўринни кўлга қиритиб, юртимиз доврўғини таратди.

Юртбошимиз ташаббуси билан цирк биноси жойлашган Хадра майдонида улкан қурлиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилгани эътиборга молик. Цирк томошаларига келганларга қулайлик яратиш учун Навоий шох кўчасида 46 метрли ер ости йўлаги қурилди, Фурқат кўчасидаги ўтувчи 82 метрли пидедалар йўлаги таъмирланди. Хордиқ чиқариш ҳамда ҳудудда мўътадил иқлими таъминлаш мақсадида бунёд этилган улкан фаввора тунда ранг-



баранг чироқлар ёғдусида 12 метрча кўтарилади. Цирк биноси қаршидаги иккита фаввора иссиқ кунлари болажонларнинг сўлим гўшасига айланган. Ободлаштириш ишлари баробарида цирк ёнидаги майдон кенгайтирилиб, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Болалар учун аттракционлар ўрнатилди. Бу гўшага куннинг қай бир маҳалида кадам ранжиди қилманг, ўриндикларда ором олаётган ота-оналар, мириқиб ўйнаётган болаларга кўзингиз тушади.

Цирк жамоаси Юртбошимизнинг 2014 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат

муस्ताқиллигининг йиғирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори бўйича тайёргарлик ишларини аллақачон бошлаб юборган. Янги томошаларга Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар, шунингдек, юртимиз чегараларини муносиб химоя қилаётган ҳарбийларнинг фарзандлари таклиф қилинади. Айни пайтда томошаларда иштирок этадиган цирк артистлари ҳафтада икки марта таълим олаётган орқали сараланмоқда. Бу эса байрам тадбирлари юқори савияда ўтишидан далолатдир.



Самолёт ҳалокатга учради

Эронда «Ан-140» русумли йўловчи самолёти ҳалокатга учраган.



Оқибатда 40 нафар киши, жумладан, беш нафар бола ҳалок бўлган, 9 нафар киши тирик қолган. Ҳалокат юз берган ҳудуд-

даги бир қанча киши жароҳатланган.

«IRNA» тарқатган хабарга кўра, маҳаллий «Serahan Airlines» компаниясига қарашли лайнер парвоздан бир неча дақиқа ўтиб, қулаган. Самолёт «Техрон — Табас» йўналиши бўйича парвозни амалга ошираётган эди. «Associated Press» га кўра, ҳаво кемаси биного келиб урилган.

Ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Худқушлиқ оқибатида

Афғонистон пойтахти Кобулдаги кўчаларнинг бирида портлаш содир этилди.



Худқуш ҳужуми оқибатида қанда 4 нафар оддий фуқаро, жумладан, икки нафар ёш бола ҳалок бўлди, қанда 20 нафар киши жароҳат олган.

Полиция вакилларининг сўзларига кўра, худқуш минган автомобиль йўлда ҳаракатланаётган НАТО конвойи яқинида портлатилган. Шимолий альянс кучларининг Кобулдаги матбуот котиби Кристофер Блечер Афғонистон пойтахтида НАТО конвойига нисбатан ҳужум бўлганини тасдиқлаб, ундан чет эллик ҳарбийлар зарар кўргангани билдирди.

Мазкур ҳодиса учун масъулиятни Толибон ҳаракати ўз зиммасига олди.

■ Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман кадастр хизмати томонидан Зухридинона Машхура номига Шайхонтоҳур тумани Хувайдо кўчаси 19-уй учун берилган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«ЗУМРАДОЙЛАР ДАВРАСИ»

Билимдон, зукко, латофатли ва чаққон

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлод тарбияси, билимдон ва зукко ёшларни вояга етказишга долзарб вазифа сифатида эътибор қаратиляптир. Халқ таълими вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Зумрадойлар давраси» тўғараги ҳам кичик ёшдаги болалар таълим-тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

■ Нигина ШОЕВА «Mahalla»

Денов туманидаги 19-сонли мактабгача таълим муассасаси қошидаги «Зумрадойлар давраси» тўғарагида ишлар намунали йўлга қўйилган. Машгулотларда болажонлар кийиниш, саломлашиши ва дастурхон тузатиш одобини, ширинсуханликни ўрганишмоқда. Улар онгиди

тежамкорлик, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, ўсимлик ва жониворларни парвариллаш кўникмаси шакллантириляптир.

— Муассасамизда 240 нафар бола тарбияланаётган бўлса, шулардан 100 нафари кизлар, — дейди муассаса мудираси Худжар Меликулова. — «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, «Зумрадойлар



давраси» тўғараги машгулотларида фарзандларимиз онгига шарқона одоб-ахлоқни, урф-

одат ва қадриятларимизни хиқоялар, эртақлар, ривоятлар, сахна кўринишлари орқали сингдириямиз. Педагог-тарбиячилар маҳоратини ошириш мақсадида тумандаги барча мактабгача таълим муассасаларида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Бу эса ўзаро фикр, тажриба алмашиш ҳамда иш фаолиятимизни тўғри ва аниқ режа асосида йўлга қўйишимизда кўл келмоқда.

Яқинда мазкур муассасада ўтган семинарда «Зумрадойлар давраси» тўғарагида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Унда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Денов туман бўлин-

маси бош мутахассиси, тумандаги маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этишди.

Тадбир давомида «Зумрадойлар давраси» тўғараги аъзолари машгулотларда олган билимлари бўйича беллашди. Натижаларга кўра, «Энг билимдон киз» номинацияси бўйича С.Тоштурдиева, «Энг зукко киз» номинацияси бўйича Д.Холмуродова, «Энг латофатли киз» номинацияси бўйича М.Тойирова, «Энг чаққон киз» номинацияси бўйича эса Ш.Тўлқинова ғолиб деб топилди.

Бундай ўқув-семинарлар тумандаги барча мактабгача таълим муассасаларида ўтказилди.

Маҳалла
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодий ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148 20370 нусхада чоп этилди. Буюртма S-620

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли Мусаххих: Н.Азимова Навбатчи: З.Хайитова Нашр навбатчиси: Ф.Ҳамдамов

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топшириш вақти — 21.⁰⁰ Топширилди — 21.⁰⁰



Маҳалла — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти Хитойда тақдим этилди



< [1]

Шу маънода Хитой томони эътиборига замонавий ўзбек жамияти тараққиётида муҳим механизм ҳисобланадиган маҳалла институти тақдим этилди. Фуқаролар йиғини, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва оиланинг мустақамланишида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Бунда Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялашда ёшлар ташкилотларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги, «Соғлом бола йили» Давлат дастури, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти масалаларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, мустақил йиллари давомида маҳалла бирдамликни, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничиликни таъминлашда нафақат муҳим роль ўйнади, балки бугун Марказий Осиё минтақасида миллий маданий анъаналар ва миллий руҳининг химоя қилиниши борасида муваффақиятли намуна бўлиб қолди.

«Ўзбекистонда маҳалла институти: тарихий тажриба ва замонавийлик» номли хужжатли фильм ҳамда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» асарининг тақдими тadbир иштирокчиларига ушбу ноёб институт фаолияти билан яқиндан танишиш имконини берди.

Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида қўлга киритган муваффақиятларига Хитойнинг таъкил экспертлари юқори баҳо бердилар.

Жумладан, Хитой Ижтимоий фанлар академияси вице-президенти Ван Чжэннинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон Хитойда бетақдор маданият ва менталитетга эга, бағрикенгликни ва турли миллатларнинг биргаликда тинч-тотув ҳаёт кечирини таъминлашга қодир бўлган давлат сифатида баҳоланади. Ўзбекистон барча муносабатларда ХХРнинг яқин шериги бўлиб, у билан ишончли ва ўзаро манфаатлар ҳисобга олинган асосдаги прагматик ҳамкорлик қуриломоқда.

Шу маънода, фуқаролик жамияти қуриш, демократик ўзгаришлар ва тизимли ислохотларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон тажрибасини чуқур ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Шанхай Ижтимоий фанлар академиясининг Россия ва Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш маркази директори Пан Давэй замонавий воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилар экан, «фуқаролик жамияти ғояси эскирган йўқ, аксинча, у янада долзарблашди», деди. У ҳозирги шароитда ўзгараётган жамиятларда давлат, жамият ва, айниқса,

Шу аснода Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишида эришилган муваффақиятлар, деди эксперт, минтақавий хавфсизликни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшди.

Шунингдек, Сунь Ли самарали ижтимоий институт ҳисобланадиган маҳалла Марказий Осиё минтақаси кўламида кўп сонли аҳолининг мавжудлиги шароитида барқарорликни ва уйғун ижтимоий тараққиётни сақлашда муҳим ўрин тутади.

Хитой Замонавий халқаро муносабатлар академиясининг етакчи эксперти Сюй Тао анъанавий жамиятлар модернизацияси муаммоларини чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидлади. Мутахассиснинг ҳисоблашича, Ўзбекистон ҳуқумати анъанавий ижтимоий тузилмани муҳофаза қилиш бўйича саъй-ҳаракатларини давлатни модернизациялаш жараёни билан уйғунлаштиришга қатъи эътибор қаратмоқда. Ингирма йилдан ортик муддат мобайнида мамлакат муҳим ва муваффақиятли тажриба тўпладики, у, шубҳасиз, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари учун ижтимоий тузилмани модернизациялаш намунаси ҳисобланади.

Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институтининг етакчи эксперти Су Чан қайд этганидек, маҳалла Ўзбекистонда маъмурий бошқарув тизимининг алоҳида қисми ҳисобланади. Маҳалла институти, унинг фикрича, ижтимоий муносабатларнинг бетақдор намунаси бўлиб, у ўзида тарихий ва маънавий анъаналарни замонавий маъмурий бошқарув модели билан мужассамлаштирган.

Шанхай Ижтимоий фанлар академиясининг вице-президенти Ван Чжэннинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон Хитойда бетақдор маданият ва менталитетга эга, бағрикенгликни ва турли миллатларнинг биргаликда тинч-тотув ҳаёт кечирини таъминлашга қодир бўлган давлат сифатида баҳоланади. Ўзбекистон барча муносабатларда ХХРнинг яқин шериги бўлиб, у билан ишончли ва ўзаро манфаатлар ҳисобга олинган асосдаги прагматик ҳамкорлик қуриломоқда.

Шу маънода, фуқаролик жамияти қуриш, демократик ўзгаришлар ва тизимли ислохотларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон тажрибасини чуқур ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

инсонлар ҳулқ-атвори ва фаолиятини иқтисодий тартибга солувчилар ўртасида энг мувофиқ ҳамкорликни излашга устувор аҳамият қаратилади, деб ҳисоблайди.

Экспертнинг фикр билдиришича, ўзбек тажрибасида энг диққатга сазовор жиҳат — бу фуқаролик жамиятини ўз мамлакатни реаллиги билан уйғунликда бунёд этишдир. Фуқаролик жамияти — бироқ бир мақсад учун восита ёки қурол эмас, балки тараққиётнинг табиий натижасидир. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ижтимоий барқарорликка ва миллат фаровонлигига қўмаклашишга интилишни кўзлаши лозим.

Ўзбекистон шароитида у ёки бу ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари мамлакат халқи томонидан юксак баҳога сазовор бўлгани баробарида улар бошқа давлатлар учун миллий бйрлик муҳитини сақлаб қолиш бўйича намуна сифатида хизмат қилишлари жоиз.

Шанхай Халқаро тадқиқотлар академияси Россия ва Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш маркази директорининг ўринбосари Цян Сюянь ҳамкасбларининг демократик жараёнларни амалга ошириш чуқур ўйланган ва оқилона ёндашувини талаб қилиши ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлади. Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон босқичма-босқич ва дадил тизимда белгиланган мақсадлари томон ҳаракат қилмоқда, ижтимоий сиёсатга устувор аҳамият қаратаётгани, бу муайян ларзаларни четлаб ўтиш ва хорижий сармоядорлар учун жозибадор давлат сифатида қолиш учун имконият яратмоқда.

Шубҳасиз, маҳалла институтига қўрсатилаётган аниқ мақсадли меъриий-ҳуқуқий ва бошқа турдаги давлат ёрдами туфайли фуқаролар йиғинларининг ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, соғлом ҳаёт тарзи маданиятини шакллантириш, миллий анъаналарни, тарихий-анъанавий урф-одатларни асраб-авайлаш ва бойитиш, бандликни таъминлаш, ёш оилаларда юзага келадиган масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш, улар манфаатларини қонунчилик асосида химоя қилиш, мамлакатда ижтимоий-маънавий барқарорликни таъминлашдаги ўрни ортиб бораётир.

Ташриф доирасида бўлиб ўтган учрашув чоғида **ХХР таъқиқ ишлар вазирининг ўринбосари Чэн Голин** Ўзбекистон давлат бошқаруви жаҳосида, шу жумладан, ижтимоий ўзини ўзи бошқариш масалаларида бой ва фойдали тажрибага эга бўлиб, у ўрганишга лойиқлигини таъкидлади. «Бунинг натижасида Ўзбекистонда бугун Марказий Осиё минтақасининг манфаатларига жавоб берадиган барқарорлик сақланаётгани баробарида бу, охир-оқибатда, Хитой учун ҳам қатъи аҳамият касб этади ва Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг тараққиётига қўмаклашади», деди у.

Хулоса қилиб айтганда, Хитой оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилган маъруза тadbирлар ХХР ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доираларида фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича ўзбек моделига нисбатан юқори қизиқининг мавжуд эканлигини намоян этди.

■ «Жаҳон» АА.
ХХР.

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Ободлик, озодалик қадриятимиз кўзгусидир

< [1]

Шунингдек, хашардан маҳаллалар, аҳоли турар joyларини ободонлаштириш, республикамизнинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини янада яхшилаш кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан хашарни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ободонлаштириш ва тозаллик ойлги ҳамда умумхалқ хайрия хашарини ўтказиш бўйича фуқаролар йиғинлари билан биргаликда аҳолини хашарга кенг жалб этиш мақсадида тарғибот ишларини бошлаб юбордик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Ташкилий-кадрлар бўлими бошлиғи, хашарни ўтказиш бўйича республика ишчи гуруҳи котиби Учқун Маҳмудов. — Маҳаллаларда аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар агрофи, гузарлар, хиёбонлар, қадамжол, зиёратгоҳ ҳамда қабристонларни, ариқлар, қўчалар, йўлакларни ҳамда болалар спорт майдончаларини тартибга келтириш, дарахтларни оқлаш, буташ, манший чиқиндиларни махсус жойларга ташиб чиқариш кўзда тутилган. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари қўллаб-қувватлаш, айниқса, ногиронларни, яққа-ёғлиз кексаларни, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш, уй-жой шароитини яхшилашга қўмаклашиш ҳам хашарнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Умумхалқ хайрия хашари «Соғлом бола йили» Давлат дастури-



да белгиланган устувор йўналишлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар режаси ижросини тўлиқ таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, хашар кунлари иш жойида меҳнат фаолиятини давом эттирган корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари ҳам умумхалқ хайрия хашарига муносиб ҳисса қўшилади. Тadbир муносабати билан барча корхона, муассаса ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг бир кунлик иш хақи «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисобида ўтказиб берилди.

Ушбу маблаг «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда

тутилган тadbирларни амалга ошириш, хусусан, маҳаллаларни аҳолини аниқ манзилли ижтимоийнинг йиғирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар режаси ижросини тўлиқ таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, хашар кунлари иш жойида меҳнат фаолиятини давом эттирган корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари ҳам умумхалқ хайрия хашарига муносиб ҳисса қўшилади. Тadbир муносабати билан барча корхона, муассаса ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг бир кунлик иш хақи «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисобида ўтказиб берилди.

Ушбу маблаг «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда

тутилган тadbирларни амалга ошириш, хусусан, маҳаллаларни аҳолини аниқ манзилли ижтимоийнинг йиғирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар режаси ижросини тўлиқ таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, хашар кунлари иш жойида меҳнат фаолиятини давом эттирган корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари ҳам умумхалқ хайрия хашарига муносиб ҳисса қўшилади. Тadbир муносабати билан барча корхона, муассаса ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг бир кунлик иш хақи «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисобида ўтказиб берилди.

МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗГИН

Аҳилликда қилинган меҳнат баракали бўлади

< [1]

Худудимизда 28 та фермер хўжалиги бор. Улар томонидан 1220 гектар майдонда гўза парварниланмоқда. Тез орада галвир сувдан кўтарилиб, фермер-деҳқонларимиз ҳосилни йиғиштириб олишга шайланиб туришибди. Аммо халқ олдида далаларда агротехник тadbирларни давом эттириш керак. Негаки, август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр. Бу ойда ҳосил ўзига зарур бўлган озунча ва қаровдан бебахра қолса, кутилган натижага эришиш қийин.

Энг илғор фермерларимиздан Бобоназар Чориев айни пайтда даладан бери келмай, гўза парварнишда жавлон урмоқда. Тинимсиз меҳнатлари эвазига бугун еридаги 120-125 минг туп қўчат бўй чўзиб, ҳар бири ўртача 7-8 тадан бўлиқ қўсак тузган. Бу гектарига 32-34 центнер ҳосил дегани. Тажрибали агрономлар далаларимизни кўриб, режага қўшимча 5 центнер пахта териб олиш имконияти борлигини айтишди. Ҳамма гап ҳосилни нест-нобуд қилмай ўз вақтида йиғиштириб олишда.

Юртимизда меҳнат қилган одамнинг қадри улуг, қадри баланд. Бу, албатта, истиқлол шарофатидан. Бугун фермер-деҳқонларимиз ўз меҳнатлари билан нафақат даромад топишди, балки мамлакатларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолисига қўмак беришти, ободлигига, бунёдкорлигига улкан ҳисса қўшмоқда. Оиласи, рўзғори бут хонадонларда маънавий муҳит барқарор, эртанги кунга ишонч мустаҳкам.

Ўтган мавсумда худудимиздаги илғор теримчилар-



дан бири Гулсара Қўшаева кўнанига ўртача 300-350 килограмдан пахта териб, мавсумнинг ўзида икки миллион сўмга яқин пул ишлаб топди. Жорий йилда пахта майдонларидан 3600 тоннадан зиёд «оқ олтин» йиғиштирилишини назарда тутиб, биргина терим жараёнининг ўзида 820 миллион сўмга яқин қўшимча даромад олинишини чамалаш қийин эмас.

Шу боис бугун худудимиздаги аксарият уй бекалари, уюшмаган аҳоли вакилларида уч минг нафарга яқини теримда қатнашини истгани билдирмоқда. Айни пайтда улар билан фермер хўжаликлари ўртасида мавсумий меҳнат шартномалари тузилиб, хашарчилар отрядлари шакллантирилмоқда.

Шу ўринда пахта ҳосилдор фермерларимиз томонидан олинадиган даромад худуд ижтимоий-иқтисодий ривожини, ободчилигини, янги иншоотлар қурилиши ва саноат корхоналарини ташкил этишда бошланғич сармоя бўлиб, бўш иш ўринлари яратилишида ҳам муҳим омили эканлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, «Ислом» фермер

ШУКРОНА

Дилларда истиқлол шуқуҳи

Дилларга гурур, қўнғилларга сурур бағишлагувчи Истиқлол байрамни пахтачиликлар шоду хуррамлик билан, тинч ва осудаликда, дориламон кунларга шукроналар айтиб кутиб олишаётир.

■ Санжар ҚУРБОНОВ.
Пахтачи тумани.

Байрам арафасида тумандаги маҳалла кишлоқларда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, сенга ва садақотин сенга бахшид, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида тadbирлар ташкил этилмоқда.

«Гулбод» маҳалласидаги тadbирда юртимизнинг таниқли ёзувчиси шоирлари, журналистлар, олимлар, халқимиз ардоғидаги санъаткорлар истиқлол йилларида қўлга киритилган улкан ютуқлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

— Озодлик ва ҳурлик эпикни, хурият наҳидасидан баҳраманд элга тую томошалар, байрамлар ярашади, — дейди «Гулбод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мастура Шомуродова. — Илгирини аҳолининг қайфияти бугун ҳар қачонгидан-да қўтаринки. Чунки улар яратувчанлик иштиёқида қутлуғ айёмга қатъи тайёргарлик кўришяпти.

Йилнинг ахли ҳар ишда фаоллик ва ташаббус кўрсатиб, эртанги кунини юрт истиқболига боғлаб меҳнат қилишмоқда.

— Тантаналарда иштирок этиб, мустақиллик ҳақиқатан ҳам толеи баланд инсонларга насиб этганини англаб етдим, — дейди маҳалла фаоли Малика Маҳкамова. — Энг улуг ва энг азиз неъмат — Истиқлолни кўз қорачинидек асраш барчамизнинг Ватан олдидаги фарзандлик бурчимиздир. Бугун маҳалладошларимнинг юз-кўзларидаги қувончни кўриб, нуруний отахону онахонлардан эзгу тилакларини эшитиб, Ватанимизнинг муқаддаслигини яна бир бор дилдан хис этдим.

Тўйга тўёна билан деганлардек, тadbир якунида тумандаги «Зарафшон тўқайзори» фермер хўжалиги раҳбари Юсуф Зулмонов ҳамийлигида қурилган футбол майдончаси фойдаланишга топширилди.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА



Дўмбира созию лапарлар алёрларга ҳамоҳанг

< [1]

Айниқса, Мунавварнинг уч кизи худди ўз неварасидек бўлиб қолган. Чунки Зулфира момо онаси ва қайнонаси узокда турувчи, ёлғиз ўзи ҳам ишлаб, ҳам фарзанд тарбиялаётган Мунавварнинг беминнат ёрдамчиси эди. Қизалоқлари боғчадан келиб қочқиллаб момоникига чиқишар, баъзида кўярда-кўймай уни етаклаб келишарди. Шахло эса Мунавварнинг эмас, Зулфира момонинг алласини тинглаб ухларди.

— Кўп миллатли маҳаллада кўшиллар ана шундай ахилу иноқ яшади, — дейди мамнулик билан Қонимех туманидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Отабой Машарипов. — Худдимизда татар, қозок, қорақалпоқ, ўзбек ва қирғиз миллати вакиллари билан 2500 нафарга яқин аҳоли истиколат қилади. Қардош миллат вакиллари тинч-тотув, биродарликда яшаётгани боис маҳалламиз обод, ҳаётимиз фаровон.

Дарҳақиқат, маҳаллада ўзбек хонадонлари исикхоначилигини йўлга қўйиб, йилнинг тўрт фаслида томорқадан унумли фойдаланаётган бўлса, татарлар парандачилик ва тўқувчиликда тилга тушишган, қозок ва қорақалпоқ аёллари намат (кигиз) тўқишда машхур. Энг асосийси, улар ўз хунарларини бир-бирларига ўргатиб, шунинг орқасидан оиласи маҳалласи фаровонлигини таъминлашмоқда.

— Байналмилал маҳаллада байналмилал оилалар ҳам кўп, — дея суҳбатимизга қўшилиди фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Марям Адирбаева. — Хар бир миллатнинг ўзига хос орау фурури бор. Мен кейинги йилларда фуқароларимиз ана шу тўғрисида тўғри томонга йўналтириётганидан, масалан, тўй-маъракаларда мен ундан камми, демасдан, манманликка берилмай, камтарона йўл тутаётганидан хурсандман. Яқинда татар кизи ўзбек хонадонига келин бўлиб тушди. Келинчақ ўзбеккона миллий кийимда даврага чиқди, тўй ихчам, даб-дабасиз ўтди.

НАМУНАЛИ БЎЛИНМА

Ютуқлар тасодиф эмас, муваффақиятлар шунчаки қозонилмайди

< [1]

Маҳаллага тadbirkorлик фаолиятини бошлаш учун йўл-йўриқ сўраб ёки банкдан кредит олиш мақсадида мурожаат қилаётган фуқаролар кўпчилигини ташкил этади. Хар куни турли масалалар билан маҳаллалар эшигини қоқамиз. Шуларни инобатга олиб, шаҳардаги маҳаллаларнинг барчасида фуқароларни қабул қилиш учун алоҳида хоналар ажратилиб, улар зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Фаолларнинг аҳолига муносиб хизмат кўрсатиши бевосита маҳаллаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамлигига ҳам боғлиқ. «Кўхнадам» маҳалла фуқаролар йиғини биноси «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан ажратилган 140 миллион сўмлик маблағ эвазига янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Дўстлик», «Ермачит» маҳаллалари бинолари эса капитал таъмирланди. Ушбу мақсадга бўлинма ҳисобидан 20 миллион сўм маблағ ажратилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлинма ҳисобидан 3 та фуқаролар йиғинига ме-

бель жиҳозлари олиб берилди.

«Намунавий маҳалла» Дастури доирасида шу пайтгача «Навбахор», «Кунжупай», «Чин-обод», «Зарифобод», «Ок олтин», «Бахористон», «Дўстлик», «Ермачит», «Кўхнадам» ҳамда «Хожикўрбон» маҳалла фуқаролар йиғинлари учун намунали ша-роит яратилган.

Айни пайтда ушбу жараён жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Жорий йил охирига қадар яна учта маҳалла намунали ҳолатга келтирилади. Барча маҳаллаларга Президентимизнинг асарлари, тизимга доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тўпламлари, кўрғазмали воситалар, одам савдосига қарши курашиш мавзусидаги плакатлар етказиб берилди. Бу аҳолининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билим ва маданияти ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ошишида омил бўлаётди.

Фонд иш режасига мувофиқ, жорий йилнинг биринчи ярмида бўлинма томонидан 25 та фуқаролар йиғинига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳуқуқат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича услубий-амалий ёрдам кўрсатилди. Натижанда Вази-рлар



Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сонли қарори билан тасдиқланган Намунавий низоом асосида ушбу маҳаллалар ўз низоомларини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этмоқда.

— Бўлинманинг амалий кўмағида маҳалламиз қошида асосий йўналишлар бўйича 8 та комиссия тузиб, уларнинг фа-

олиятини йўлга қўйдик, — дейди «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Розия Хушвақтова. — Аввало, комиссия аъзоларига энг муносиб кишиларни тайинладик. Ишни маҳалладаги малакали ҳуқуқшуносларни жалб этган ҳолда низоомларини пухта ўрганишдан бошладик. Назарий билимлар-

ни амалда қўллаш хар доим изчилликни талаб қилади. Шу боис ҳозир комиссиянинг барча аъзолари ўз ишини пухта ўзлаштирган.

Бугун маҳаллалар ҳудудидаги бирор-бир тadbirkor комиссия аъзолари иштирокисиз ўтмайди. Мисол учун, бўлинма ташаббус билан «Арабхона», «Дўстлик», «Сармазор», Очилдимурод Миррий номидаги маҳаллаларда касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича ташкил этилган тadbirkor Тadbirkorлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзолари иштирок этди. Саккиз нафар аъздан уч нафари тadbirkor. Демак, шу ернинг ўзиде 9 нафар йиғит-қиз иш билан таъминланди.

Дарвоқе, айни кунларда шаҳардаги фуқаролар йиғинларида Мустақилликнинг 23 йиллик тантаналарига тайёргарлик авжида: ҳудудлар ободонлаштирилиб, жамоат жойларига истиқлолимизни мадҳ этувчи широрлар илнимоқда. Бу каби эзгу ишларда Фонд бўлинмасининг услубий ва амалий кўмаги қўл келаяпти.

«ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ»

Мурожаатингиз борми? Марҳамат

Гулистон шаҳри Муқимий номидаги маҳаллада ташкил этилган «Жамоатчилик қабулхонаси»га келган бир аёл ўз муаммосини шундай баён қилди: — Ишга жойлашмоқчи эдим. Иш сўраб борман жойим қолмади. Нима қилишни билмай бошим қотган.

■ Топшўлат ХАЙИТБОЕВ «Mahalla»

Йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойниса Дадабаева ҳамда маҳалла фаолларининг сай-харакатлари билан аёлнинг мурожаати қаноатлантирилди. У ҳудуддаги «Нафис либос» корхонасига ишга жойлаштирилди.

Гулистон шаҳридаги маҳаллалар ободлиги билан ажралаб туради. Яқинда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий аҳолидан хабардор бўлиш мақсадида Муқимий номидаги маҳаллада «Жамоатчилик қабулхонаси» ташкил этилди.

Ҳудуддаги академик лицей биносидан «Жамоатчилик қабулхонаси» учун барча шaroитларга эга хона ажратилди. Қабулхона компьютер жамланмаси, мебель жиҳозлари, алоқа воситалари билан таъминланди.

— «Жамоатчилик қабулхонаси» ташкил этилгандан бери унга 20 дан зиёд ёзма ва оғзаки мурожаат тушди, — дейди маҳалла раиси Толиб Салимов. — Уларда, асосан, коммунал соҳа корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, ижтимоий ёрдам, йўл ва кўчаларни таъмирлаш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш масалалари акс эттирилган.

Сўнгги йилларда Сирдарё вилоятида фуқароларнинг шахсий масалалари бўйича қабуллари бевосита маҳалла фаоллари томонидан амалга оширилмоқда. «Жамоатчилик қабулхонаси»да вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари вакиллари ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамағатаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбарлари аҳоли мурожаатларига ечим топишда кўмаклашмоқдалар.

Фуқароларнинг мурожаатларини ўрганишда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талабларига риоя этиляпти.

Хуллас, хар бир мурожаат ортида инсон тақдирини, унинг орау-ўйларини, интилишларини муҳасам. Шу боис уларга ўз вақтида жавоб қайтариниша алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«ФАРОВОНЛИК»

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ

2014 йил 20 – 21 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ

Тошкент шаҳрида

ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг.

10 дона

10 дона

10 дона

5 дона

1 118 735 та пул ютуқлари

625 дона

5 дона

625 дона

625 дона

1725 дона

625 дона

625 дона

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

ПОТЕРЕЯ БИЛЕТНИНГ НАРХИ — 5 000 СЎМ.

☎ (+99871) 273-03-04 ПОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ НАҚД ПУЛГА ЁКИ ПУЛ УТҚАЗИШ ЙУЛИ БИЛАН БАНКНИНГ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

WWW.AGROBANK.UZ

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:

Қорақалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77
 Андижон вилояти (8-374) 228-46-20
 Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53
 Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33

Қашқадарё вилояти (8-375) 771-15-60
 Наманган вилояти (8-369) 223-19-32
 Навоий вилояти (8-436) 770-35-49
 Самарқанд вилояти (8-366) 229-34-73

Сурхондарё вилояти (8-376) 770-81-48
 Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50
 Фарғона вилояти (8-373) 244-08-41
 Хоразм вилояти (8-362) 770-57-00

Ютуқлар тасодифий аниқлаш тамойили асосида махсус лотерея жиҳозларидан фойдаланган ҳолда аниқланмади. 100 000 сўмгача бўлган ютуқлар 1 банк иш кунида, 100 000 сўмдан юқори бўлган ютуқлар, билетларнинг экспертиза хулосаси олинган кундан бошлаб, 1 ой ичида бериллади. Ютуқли билетлар тираж ўтказилган санадан бошлаб, 100 кун давомида тўловга қабул қилинади ва ушбу муддатдан сўнг ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланади. Балоғат ёшига етмаганларга лотереяда иштирок этишга йўл қўйилмайди.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

Мақсад — ҳушёрликни ошириш

Олов билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ёнғин рўй берганида унинг салбий оқибатларини камайтириш ҳамisha долзарб саналган.

■ Акбар АЛМЕТОВ,
Тошкент шаҳар 12-ХЕҲО 24-ХЕҲК
кичик инспектори.

Хусусан, ёнғин хавфсизлиги идоралари нафақат «Ёнғин хавфсизлиги» ойлиги доирасида, балки доимий равишда тураржойлар ва халқ ҳўжалиги иншоотларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида тизимли чора-

тadbirkorларни амалга ошириб келаяпти.

Тошкент шаҳар 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди 24-ХЕҲК ходимлари ҳам ана шундай тadbirkorларда кўрғазмали қуроллар, турли плакатлардан



фойдаланиб, тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Учрашувларда, айниқса, болаларни назоратсиз қолдирмаслик, ўт ёқувчи воситаларни улар қўли етганган жойга қўймаслик, носоз газ ва электр мосламаларидан фойдаланмаслик, чордоқ ва ертўлаларда тез алангаланадиган суюқликларни сақлашмаслик каби мажбуриятлар қатъий уқтириляпти.

Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ёнғинга қарши тайёргарлик ҳолати текширувдан ўтказилиб, аниқланган

камчиликлар бартараф этилмоқда. Бундан ташқари, ёнғин чиқиш ҳолатларини камайтириш мақсадида мунтазам равишда ўқинлар ташкил этилиб, уларда муассаса ходимларига ёнғин хавфи сезилганда дастлаб қилиниши керак бўлган чора-тadbirkorлар яна бир бор эслатишмоқда, ёнғинни ўчириш воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини оширилмоқда.